



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, И.Шуваловни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Россия томонидан раиси этиб тайинлангани билан самимий табриклади.

Президентимизнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, шунингдек, иқтисодийнинг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги дастур ва лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этишда Комиссия муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Хозирги пайтда ўзаро муносабатлар жадал ривожланиётгани қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда — шу йилнинг етти ойи давомида товар айирбошлаш

ҳажми 14 фоизга ўсиб, 2,6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бунда экспорт ва импортнинг барча асосий йўналишлари бўйича ўсиш кузатишмоқда. Июль ойидан Россия бозорига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда «яшил коридор» тизими тўлақонли фаолият кўрсата бошлади.

Россиянинг етакчи компаниялари ва банклари жалб қилган ҳолда, устувор инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда фаол иш олиб боришмоқда.

Нефть-газ мажмуасидаги геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, бунда углеводород хомашёси қазиб олишни кўпайтириш, Қандим газни қайта ишлаш ва Жиззах нефтини қайта ишлаш заводларини қуриш, соҳа корхоналарини модернизация

қилиш, шунингдек, газ ва нефть етказиб бериш бўйича йирик лойиҳалар шулар жумласидандир.

Металлургия соҳасида «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш, мис бойитиш мажмуасини қуриш ва Тошкентда металлургия заводи барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланди.

Машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда, шунингдек, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида кичик бизнес субъектларини фаол жалб қилган ҳолда кооперация алоқалари кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида мингга яқин корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 60 компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган.

Ижтимоий алоқалар ривожланмоқда, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият ва санъат

соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.


Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва юқори технологияли соҳаларда янги истиқболли дастурларни тайёрлашни жадаллаштириш масалалари ба-тафсил муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломини ва эзгу тилакларини етказди.

Ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги кенг кўламли ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

Мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди



ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ, ЁНИБ ЯШАГАННИ ЭЛ УЛУҒЛАЙДИ

Бир йил бўлаяпти юртимизни ларзага солган ўша машъум кунга, Биринчи Президентимиз, буюк давлат арбоби, халқимизнинг суюкли фарзанди Ислон Каримовдан жудо бўлганимизга. Бу улуг зотнинг бутун ҳаёт йўли, ҳатто у билан видолашув кунлари кўрган-кечирганларимиз бизга ҳаёт ҳақиқатларидан ўчмас сабоқ берди, умр мазмуни ҳақидаги қарашларимизни тўзғитиб юборди...

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2017 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқро миждасида эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юсак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида (фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та биринчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида 2 та биринчи даражали мукофот берилиши белгилансин):

— Аюпов Шавкат Абдуллаевич, Қудайбергенов Каримберген Қадирбергенович, Омиров Баҳром Абдузаввич, Розиков Ўткир

Абдуллаевичга — «Ноассоциатив алгебралар, дифференциаллаш ва нолчиқли динамик системалар назарияларини ривожлантириш» фундаментал тадқиқоти учун;

— Иноятова Флора Ильясовна, Аҳмедова Дилором Илхомовна, Амонов Шавкат Эргашевичга — «Оғир эшитиш заифлиги ва қарлиги бўлган болаларнинг реабилитацияси» амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Қодиров Пиримқулга (марҳум) — «Амир Темур сиймоси» ва «Тил ва эл» асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Матёкубов Отаназарга — ўзбек классик музыкасининг тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсири ҳақидаги тадқиқотлар туркуми. «Мақомот», «Бухоро Шашмақомига яна бир назар», «Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари», «Ўзбек классик музыкаси асарлари» (икки томли,

ўзбек ва рус тилларида) каби мусиқашуносликка оид асарлар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— Тиллашайхов Мирзағалиб Нигматович, Парпиева Наргиза Нусратовна, Белоцерковец Вера Георгиевнага — «Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган силга қарши хизматни такомиллаштиришнинг фундаментал асосини яратиш» амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Саидов Сирожиддин Салоҳович (Сирожиддин Саййид)га — «Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Шойқубов Шохалил Каримовичга — «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) китоб-альбоми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўришмоқда.

Шу билан бирга, энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, маъсасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) замонавий энергия тежасидан технологияларни жорий этиш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштириш имконини бермаяпти.

Иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишда тизимли камчиликларнинг мавжудлиги, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналарида фойдаланилаётганлиги энергия ресурсларини самарасиз истеъмол қилишга олиб келмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий

соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежасидан технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил этилмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежасидан технологияларни кенг жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Энергия тежаси миллий компанияси» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда «ЭТМК» АЖ деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйидагилар «ЭТМК» АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежасидан технологияларни жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежасидан технологияларни жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, энергия тежасидан технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

3. Белгиланган кўйилсинки:

«ЭТМК» АЖнинг устав фонди таъсисчилар ўртасида 1-иловага мувофиқ тақсимланади;

«ЭТМК» АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежасидан технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни ягона етказиб берувчиси ҳисобланади;

энергия самарадор ва энергия тежасидан технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) мажбурий сертификатлаштирилиши шарт;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда электрон аукцион савдоларини ташкил этиш орқали давлат ва корпоратив харидларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш учун уларни такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича идоралараро тендер комиссиялари, шунингдек, лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайдиган, турли хил коррупция қўриқчилари учун шароит яратадиган кўплаб келиши жараёнлари, бир-бирини тақдорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги сабабли жуда мураккаб ҳисобланади.

Хусусан, идоралараро тендер комиссиялари баённомаларини келишиш

ва тасдиқлашни ўз ичига олувчи тендер жараёнларининг айрим ҳолларда олти ойгача қўзилиши кузатишмоқда, бу эса лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар амалга оширилишининг кечиктирилишига ҳамда тармоқ жадвалларининг бузилишига олиб келмоқда.

Нарх-навоини манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, таъсифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари кўплаб мавжуд.

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳада суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5120-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қуйидагиларини назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармоқ идоралараро тендер комиссияларини тугатиш;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ
ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«ЭТМК» АЖнинг давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларни қоплаш улар жорий қилинган кейин олинган тежаш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг «ЭТМК» АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилди; энергия самарадорлиги юқори бўлган ўшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тақиқланади;

«ЭТМК» АЖнинг тўловлари харажатларнинг тўртинчи гуруҳи — бошқа харажатлар бўйича амалга оширилади;

хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар «ЭТМК» АЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда «ЭТМК» АЖнинг устав фондини шакллантирган ҳолда акцияларни белгиланган тартибда чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва таъсисчилар ўрта-сида жойлаштиришни таъминласин.

5. «ЭТМК» АЖнинг директориغا истисно тартибда юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютада белгилашга рухсат берилсин.

6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича комиссия 2-иловага мувофиқ тартибда ташкил этилсин.

7. Комиссия (М.Х.Салиев) уч ой муддатда:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий энергия
самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил энергия ресурсларидан самарасиз фойдаланишга олиб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаш имконини берди, бу эса охири-оқибатда энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштиришни ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) энергия ресурсларидан қарздорлигини қисқартиришга эришишни таъминламайди. Хусусан:

энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилишнинг ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг таъсирчан тизими, шу жумладан, мазкур функцияларни бажаришга масъул бўлган истиснолаштирилган муассасаларнинг мавжуд эмаслиги, бунинг оқибатда фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чоралар қўтилган натижаини бермапти. Бу эса давлат органлари ва ташкилотларининг энергия ресурсларига харажатларини қўпайтиради;

иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишдаги объектни камчиллик, ишдан чиқиш 70 фоизга етган ҳамда иссиқлик таъминотининг самарасизлиги ва энергия сарфи ҳажмининг катталигига сабаб бўлган, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналарининг ишлатилиши;

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил қилинмаган. Бунинг оқибатда дастурда давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш бўйича назарда тутилган лойиҳалар ижро этилмагандан қолган.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда ҳамда давлат органлари, ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг

соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказсин;

ўтказилган ўрганиш якулини бўйича уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

«ЭТМК» АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган таклифларни киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «ЭТМК» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти билан биргаликда уч ой муддатда қозонхона станцияларини хатловдан ўтказсин ҳамда якуни юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган ҳолда энергия сервис шартномалари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқишини таъминласин.

10. «Ўзстандарт» агентлиги «ЭТМК» АЖни давлат органлари ва

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 23 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатини бериш механизми назарда тутилди. Тежаш даражаси тасдиқланганда бундай кафолат «ЭТМК» АЖга берилди.

Шу билан бир қаторда, энергия самарадорлиги юқори бўлган ўшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тақиқланди.

Янги тузилган ташкилот ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш мақсадида «ЭТМК» АЖнинг директориға истисно тартибда юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютада белгилашга рухсат берилди.

Шунингдек, қарор билан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Комиссияга: уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказсин;

уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифалари юқлатилди.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идораларга:

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган таклифларни киритсин;

Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарори қабул қилиниши, шубҳасиз, давлат органлари ва ташкилотларининг замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА
КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини таклиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган иختисослашган тармоқ эксперт кенгашларини тугатиш;

битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ доллари-гача эквивалентдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси томонидан ташкиллаштириладиган электрон савдолар орқали амалга оширишга оид талабни бекор қилиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2018 йил 1 январга қадар товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари қуйидаги эквивалентларга мувофиқ, яъни:

1 минг АҚШ долларидан кам бўлган битта контракт — нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул келадиган шартларни таклиф қилган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали;

1 мингдан 100 минг АҚШ доллари-гача бўлган битта контракт — бюртмачи тузадиган идоровий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали;

100 минг АҚШ долларидан юқори миқдордаги битта контракт — бюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти, шунингдек, бюртмачининг тармоқ илмий-техник

кенгашларининг вакилларини мажбурий жалб этган ҳолда тузиладиган идораларо танлов (тендер) комиссиялари ташкил этадиган танлов (тендер) савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Мазкур харидлар бўйича техник шартлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган бўлиши шарт.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар танлов (тендер) комиссиялари таркиблари ва тегишли тартиб-таомиллар ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

Буюртмачиларнинг раҳбарлари давлат ва корпоратив харидларини амалга ошириш тартибига риоя қилмаганлиги, шу жумладан, харид қилишнинг мақсадга мувофиқлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача қадар шахсий жавобгар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил этиш ва ўтказиш ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ресурслар ягона миллий маълумотнома ва Давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилишини таъминласин;

бир ой муддатда қуйидагиларни

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 23 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар
(ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга
оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлари механизмни янада такомиллаштириш, тендер савдоларини очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ва комплекс ишлар амалга оширишмоқда.

Хусусан, электрон савдолар жорий этилди, Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасининг махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп погонали идораларо тендер комиссиялари ташкил этилди.

2016 йил ва жорий йилнинг 7 ойида Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси майдончаларида 1,7 триллион сўмдан ортиқ суммада 95 мингдан ортиқ битимлар тузилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермади, турли хил коррупция кўринишлари учун шароит яратадиган қўллаб қўллаш босқичлари, бир-бирини тақорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатлари мавжуд. Бундан ташқари, тендер жараёнининг қўзилиши, нарх-навоини манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, тасвифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари қўллаб қўзатишмоқда.

Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харидини амалдаги метъерлари ва тартиби товар-моддий бойликлар, шу жумладан, уларнинг энг зарурлари (канцелярия буюмлари, компьютер техникаси ва автотранспортни таъмирлаш) билан нормал ва барқарор таъминлашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Охири-оқибатда бу лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг ке-чктирилишига олиб келмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва иқтисодий соҳада амалга оширилаётган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида то-варлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармоқ идораларо тендер комиссияларини тугатишни;

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини таклиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган иختисослашган тармоқ эксперт кенгашларини тугатишни;

битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ доллари-гача эквивалентдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси томонидан ташкиллаштириладиган электрон савдолар орқали амалга оширишга оид талабни бекор қилишни назарда тутди.

Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигиға ресурслар ягона миллий маълумотнома ва давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилишини таъминлаш, шунингдек, бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутуви «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди:

давлат ва корпоратив харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизмни, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат ва корпоратив харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

давлат ва корпоратив харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартиб-таомилларини яратишни;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларни таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини ташкил этишни.

Шу билан бир қаторда, Агентлик Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

2018 йил 1 январга қадар ноаниқликларни бартараф қилиш ва суинистъомолчилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида давлат ва корпоратив харидлари қуйидаги эквивалентларга мувофиқ, яъни:

назарда тутувчи «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

давлат (корпоратив) харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизмни, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат (корпоратив) харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

давлат (корпоратив) харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартиб-таомилларини яратишни;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларни таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарур параметрларини ташкил этишни.

6. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 23 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ, ЁНИБ ЯШАГАННИ ЭЛ УЛУҒЛАЙДИ

Инсон зоти борки, бошидан ўтган, билади, яқин кишисини йўқотиш қанчалик оғир мусибатлигини. Бундай пайтда «Яратганнинг иродаси, бандалик», деймиз, сабр тилаймиз. Сўнг ой ўтиб, йил ўтиб, тақдирга тан берамиз, кўникамиз...

Юрт эгасидан, халқ отасидан жудо бўлиш мусибатнинг мусибати экан, ўринини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган жудалик экан. Хали-ҳамон бу жудалик билан келиша олмаймиз, хали-ҳамон юрғимизни армон ўртади. Ислом Каримов ёдга олинса, унинг фазилатлари ҳақида гап кетса, беихтиёр кўзимиз ёшга тўлади. Ўша саросимали, изтиробга тўла кунлар, воқеалар худди кечагидек кўз ўнгимиздан ўта бошлайди.

...Ислом Каримов шифохонада хушсиз ётганмиш, деган совуқ хабардан одамлар қарахт бўлиб қолди. Уч кечаю уч кундуз тахликали ўтди, Яратгандан Юртбошимизга омонлик тилаб ёлвордик.

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўраётгандик. Каттаю кичик бу тантанада Ислом Каримовни кўришни, чорак аср давомда эришган ютуқларимиз ҳақидаги қувончга тўла сўзларини, табрикларини эшитишни ҳаяжонлиб кутаётганди. Юртни қарамликдан қўтказган, кўксини қалқон қилиб, халқни турли таҳдидлардан ҳимоя этган, ўт-оловлардан, бало-қазолардан эсон-омон олиб ўтган, Ўзбекистонни дунёга танитган, ўзбек халқининг обрўсини жойига қўйган инсон бу тўйга ўзи бош бўлиши керак эди...

Узоқ Бразилияда ўтган ёзги Олимпия ўйинларида матонат ва жасорат кўрсатиб, Ўзбекистон фарзандлари кимлигини дунёга кўз-кўз қилиб, халқимиз ва Президентимизни хурсанд этган спортчиларимиз ҳам ҳаёжон билан бугун-эрта Оксаройда бўладиган учрашувни кутишаётганди. Халқимизнинг Юртбошимиз билан боғлиқ яна қанча-қанча орзулари бор эди...

Минг афсус... Айтишга ҳамон тил бормаиди... Бунга ишонини қийин эди. Одамлар «Нахотки...» дея бир-биридан қайта-қайта сўрарди. Кейин, кейин ҳамманинг қалби қайғуга ботди...

Ўша кунни эрталаб халқимизнинг ардоқли шoirи Абдулла Ориповга қўнғироқ қилдим, ҳамдардик билдирмоқчи бўлдим, овозим қалтираб кетди...

— Осмон қулаб тушди... Ўзбекистон қуёшини йўқотди... Кўзимдан ёш тўхтамайди, — деди Абдулла ака. У ўқисиб-ўқисиб, чуқур-чуқур нафас олиб гапирарди: — Бу улуг инсонни халқимиз бахтига Худо юборганди... У олов ичида яшади, бир кун ҳам тинч ўхламади. Бизни қўриқлади, бизни ўйлади... Меҳнатининг роҳатини кўрмади, шу армон бўлиб қолди...

Бу ўқинчи сўзларни кўпчилик айтди. Лекин Ислом Каримовнинг феъли, принциплари бошқача эди, ўзигагина хос эди, дам олишга ўргатмаганди. У қутилмаган ноёб фикрлари, ташаббуслари, қарорлари билан нафақат бизни, балки бошқа қўллаб-даватлар раҳбарларини, арбобларини ҳам ҳайратга соларди. Унинг бу ёруғ оламдан кетиши ҳам мутлақо қутилмаган тарзда бўлди, бирданига кетди, тик туриб, қурашганича кетди, мардона кетди.

«Эрталаб уйда эдим... аввалига ишонмадим, — дейди бир ҳамкасбимиз. Кейин бирданига кўнглим тўлиб кетди... Болаларимдан тортиниб, бошқа хонага ўтиб, йиғлаб-йиғлаб чиқсам, аёлим билан ўн икки яшар неварам ҳам йиғлаётган экан. Уларга қўшилиб, яна йиғладим...»

«Билмадим, тушунтириш қийин, ўша кунни ўзимни қўлга ололмадим, ишга бормадим, кун бўйи йиғладим», дейди Авазбек исмли иқтисодчи олим дўстимиз.

Бухоролик Фарход деган қурувчи укамиз айтди: «Оёқ-қўлим бўшашиб, нима қиларимни билмай, гангиб қолдим, тўрттинчи синфда ўқийдиган қизчам «Дада, Президентимиз бизни яхши кўрардилар-ку, нега кетдилар?» деди. Унинг кўзлари ёшга

самолёт уввос солиб Тошкентдан кўтарилди... Гўё азим Тошкентнинг юрагини узиб, ердан кўтарилди...

Тарихнинг кўп оғир синовларига бардош берган, тақдирнинг қўлдан-қўп дарду қисматларидан сочи оқарган мўйсифид Самарқанд бундан олти юз йил илгари бўлганидек зил-замбил қайғу билан, осмонни фалақни тутган мотам сукути билан ўзининг яна бир буюқ фарзанди тобутини кутиб олди... Самарқанд аэропортидан Регистон майдони-ча йўлнинг икки чети одамлар билан тўлган эди. Бу йўл ҳам гулларга кўмилди, бу йўлдан юриш жуда оғир бўлди.

Минглаб одамлар кўзда ёш билан мўлтираб туришарди. Азамат йигитларнинг елкаси титраб йиғлаётгани, мунис қизлар, аёллар кўзидан шашқатор ёш оқаётгани, мўйсифид кишилар бош эгиб, унсиз йиғлаётганини кўрган ҳар қандай бағритош одамнинг ҳам дош бериши қийин эди.

Биринчи Президентимиз, Мустақиллигимизнинг асосчиси Ислом Каримов Самарқанднинг муқаддас гўшаларидан бири – Ҳазрати Хизр мажмуасида дафн этилди. Қадим Самарқандда муқаддас зиёратгоҳлар яна биттага қўпайди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 25 январда «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Ҳазрати Хизр мажмуасида Ислом Каримов мақбарасини бунёд этишга киришилди. Санокли кўнлардан сўнг бу зиёратгоҳнинг очилиш маросимини ўтказиш кўзда тутилган.

Бошимизга тушган бу мусибатли кўнларда кўрган-билганларимиз ҳар биримизни бир муҳим савол устида ўйлашга даъват этади: Ислом Каримов халқимизнинг бундай чексиз ҳурмати, меҳр-муҳаббатига

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, авлодлар алмашади. Бирок халқимиз мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимизнинг жасоратли ҳаёти ва фаолиятини, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги тарихий хизматларини, эл-юртга кўрсатган бекиёс муҳаббатини, ҳаётимиз шioriга айланган васиятларини ҳеч қачон унутмайди.

ниманинг ҳисобидан сазовор бўлди?

Бу аслида жўн савол эмас, мураккаб савол, залворли савол, чуқур ўйлаб, асослашни талаб этадиган савол. Унинг жавоби ҳам ўнлаб китобларга сиймайди. Шу боис жавоблар уммон томон ишора қилиш билан чекланишга тўғри келади.

Ислом Каримов 1989 йили халқимиз қарамлиқнинг жабри-зулминини тортиб, ҳуқуқи, шаъни оёқ-ости бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар қалашига ётган оғир бир шароитда Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Бунинг устига, собиқ марказ топшириғи билан «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган тўхматдан иборат айбловлар билан минг-минглаб одамлар асоссиз тергов қилинаётган, қамоққа ташланган, совет ҳукумати-нинг шафқатсиз қатагон сиёсати авж олган эди. Эзилган, ҳўрланган халқ ҳимояга, халоскорига муҳтож эди.

Газеталар тахламларини варақлаган киши Ислом Каримов бу бедодликка, ҳақсизликка қарши қандай қатъият ва довораклик билан кураш олиб бorganига ғувоҳи бўлади. У 1989 йил 23 июнда республикаси раҳбари этиб сайланган бўлса, эртаси кунни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказиб, очик ва аччиқ нутқ сўзлади. «**Биз бундан бўён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди**», деб қатъий айтди. Бу сўзлар унинг катта мақсади, улуг

ниятлари борлигини билдирарди. Эртаси кунни Фарғонага йўл олиб, ташқи кучлар уюштирган қонли воқеалар оловини ўчиришга киришди. Халқимизга қилинаётган тўхматларга қарши турди. «**Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади**», дея миллатимиз шаънини ҳимоя этди, фикрини асослади.

Кейин халқимиз тинка-мадорини қуритган пахта яккаҳоқимлигига қарши кураш бошлади. Пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди. 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оила-га ўҳимча ер ажратилди. 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Бу хавфли қарор эди, йил сайин пахта планини оширишни, пахта майдонларини кўпайтиришни талаб этиб келаётган КПСС Марказий Комитети манфаатига зид қарор эди. Тўғриси, ўша замонда бундай ҳаракатга кимдир журъат этиши ақлга тўғри келмасди. Икки-уч оила бир тор ҳовлида тикилиб яшаб келаётган, томорқа ёки уй қуриш учун бир парча ер олиш ўлимдан қийин бўлган бир даврда Ислом Каримовнинг бу қарори халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт ва сут маҳсулотлари, туҳумни собиқ иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баравар кам истеъмол қилиши, оналар ва болалар ўлими бўйича биринчи ўринда туришини ҳисобга олиб, хулоса чиқарадиган бўлсак, бу қарорнинг аҳамияти янада ошади. Халқимизнинг оғир меҳнати эвазига етиштирилиб, сув текинга собиқ марказга топширилиб келинган пахтамизга муносиб ҳақ тўланишини ҳам Ислом Каримов очик талаб қилиб чиққан эди.

Қиска вақт ичида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, Наврўз халқимизга қайтарилди, ди-

Тошкентда, балки мамлакатимизнинг барча худудларида тарихий бунёдкорликлар амалга оширилди...

Биринчи Президентимизнинг яна бир ўзига хос фазилати шунда эдики, кўзлари ёниб турган ёшларимиз билан учрашганда, уларнинг ютуқларини кўрганда, чин дилдан қувонарди. Қайси анжуман бўлмасин, албатта ёшлар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларга «**Азиз фарзандларим, бўш келманглар, марра бизники!**», дерди. «**Ўзбекистоннинг барча болалари менинг фарзандларим!**» дерди тўлқинланиб. Ўтган йигирма беш йилда баркамол авлод тарбияси йўлида қилинган эзгу ишларни санаб, адо-ғига этиб бўлмайди.

Халқимиз Ислом Каримовдек Президенти борлигидан фахрланарди, эртанги кундан, фарзандлари тақдиридан кўнгли тўқ эди. Дарвоқе, Ислом Каримов оддий Президент эмасди. У ўта зийрак, доно Президент эди. Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёр қараб, уларнинг сабабларини чуқур ўрганиб, оқибатларини олдиндан аналларди. Шу боис у халқимизни кўп бор ўт-оловлардан, фалокатлардан, муқаррар урушлардан асради, қўни-қўшилари ҳам асради, минтақамиздаги минг-минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолди. Оламда тинчликни асрашга муносиб ҳисса қўшди. Унинг халқаро террорчилик ҳаракатларига қарши ҳамжиҳатликда курашиш ҳақидаги тақлифларини кечикиб бўлса-да, дунё тан олди. Афғонистон масаласидаги узок йиллик турли тортишувларни у ягона тўғри йўлга йўналтирди. Афғонистон муаммосини ҳарбий куч билан ҳал қилиб бўлмаслиги, жафохаш афгон халқининг миллий қадриятларини ҳурмат қилиш, бу юртга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш зарурлигини айтди ва бу масалада биринчи бўлиб амалий ишга киришди. Кейинчалик катта-катта давлатлар раҳбарлари ҳам Ислом Каримовга тан бера бошлашди.

Видолашув маросимида Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов чуқур изтироб билан айтган сўзларини эслайлик: «У ўз мамлакатини жуда қаттиқ севади, у жуда буюқ қалб эгаси эди, у ҳақиқий инсон ва буюқ давлат арбоби эди... Биз уни жуда яхши кўрардик...».

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислом Каримов хотирасини ёд этиш учун Самарқандга келганида, Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиғи учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаганини, буларнинг барчаси мамлакат тараққиётига хизмат қилганини таъкидлади.

Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев Ислом Каримов улуг давлат арбоби, дунё микёсидаги лидер бўлгани, халқаро анжуманларда у ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини эътироф этди.

Дунёнинг қўллаб-дават раҳбарлари, сиёсат арбоблари ҳам халқимизга таъзия изҳор этаркан, Биринчи Президентимизнинг истеъдоди, халқаро микёсдаги обрў-эътиборини қайта-қайта эътироф этишди.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида билдирилган фикрларнинг саногига етиш қийин эди. Қирғизистон Республикаси миллий фанлар академияси Президенти Абдуғани Эркебаевнинг «Слово Киргизистана» газетасида чоп этилган мақоласида яна бир ҳақиқат эътироф этилди: «Қардош ўзбек халқи билан биргаликда биз ҳам ушбу буюқ давлат арбоби билан видолашмоқдамиз. У нафақат ўз мамлакатни, балки биз, қирғизистонликлар учун ҳам жуда кўп иш қилган. Ислом Каримовнинг мамлакатимиз жанубида қонли тўқнашувлар юз берган пайтдаги буюқ хизматларини эслашнинг ўзи қийоғ. Бунинг учун ундан миннатдор бўлишимиз лозим».

Россиянинг «Независимая газета»сида эксперт Зураб Тодуа шундай фикр билдирди: «Ислом Каримов... қўллаб муаммолар гирдобидида қолган Ўзбекистонни қабул қилиб олиб, уни изчил ривожланиётган, тинч ва барқарор давлатга айлантирди... Қийинчиликларни енгиб ўтиш ва муаммоларни ҳал этишда шахсий

тажрибаси ва билими, ўткир заковати, вазминлик билан иш тутиши, мардлиги ва мушкул пайтларда намоён бўладиган қатъияти қўл келди».

Ҳиндистоннинг «Hindi» газетаси: «Ислом Каримов кучли ва мустақил давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Мамлакатда ва умуман, минтақада тинчлик ҳамда барқарорлик таъминланганлиги Ўзбекистон Биринчи Президентининг хизматларидандир».

Дунёнинг қўллаб-даватлари раҳбарлари ҳам Ислом Каримовни до-нишманд, мустақил сиёсат йўлидан борган, ўз халқининг ҳақиқий Йўлбошчиси бўлганини эътироф этишди. Ислом Каримов вафоти муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биноси ёнидаги байроғи, шунингдек, барча аъзо давлатлар байроқлари туширилди. БМТнинг Женева ва Рим шаҳарларида жойлашган бўлимларида ҳам ана шундай тадбирлар ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясининг сентябрь ойи охирида ўтган 71-сессияси мажлиси Ислом Каримов хотирасини ёдга олиб, ҳурмат баҳо келтириш билан бошланди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бундай муносабат унинг дунё микёсида обрў-эътибори низоҳатда юксак бўлганини билдиради.

Ислом Каримов билан видолашув кезларида дунёнинг кўпгина сиёсатчилари Ўзбекистоннинг бундан кейинги ҳаёти тўғрисида турли башоратларни билдира бошлашди. Хатто низолаб чиқиб, тартибсизликлар бошланишини кутганлар ҳам бўлди. Бироқ ана шу оғир, мураккаб кўнларда халқимиз ўзининг асл фазилатларини намоён этди. Ислом Каримов хотирасига ҳурмат баҳо келтириш учун Самарқандга келган Белорусия Президенти Александр Лукашенко айтган гап ҳам бунинг исботидир. «Ислом Каримов вафотидан кейинги синовли кўнларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданияти ҳамда ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоёйиш этди», деди у.

Бутун дунё диққат-эътибори Ўзбекистонга қаратилиб, энди нима бўларкин, Ўзбекистон қайси йўлдан юраркин, кимга яқинлашиб, кимдан узоқлашаркин, деб турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев 2016 йил 8 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида шундай деди: «Ислом Абдуғаниевичга хос бўлган букилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолади».

Аслида ана шу фикр барча саволларга жавоб эди. Шавкат Мирзиёев ички ва ташқи сиёсатда ҳам, иқтисодиётда ҳам, барча-барча соҳада Биринчи Президентимиз олиб борган ислохотларни изчил давом эттириб, янги босқичга кўтариш устувор вазифа бўлиб қолишни алоҳида таъкидлади.

Бугун орадан бир йил ўтиб, юрак-юракдан тан олаётимиз: Ислом Каримовнинг буюқ хизматларидан яна бири шундаки, Ўзбекистон деган улуг юрт юқини елкасига дадил оладиган, имони бутун, садақатли шогирдларни ҳам тарбиялаб кетган экан.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, авлодлар алмашади. Бирок халқимиз мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимизнинг жасоратли ҳаёти ва фаолиятини, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги тарихий хизматларини, эл-юртга кўрсатган бекиёс муҳаббатини, ҳаётимиз шioriга айланган васиятларини ҳеч қачон унутмайди. Бугун ҳам, эртага ҳам унинг суратига — самимий боқиб турган сиймосига, ўткир нигоҳига соғиниб билан қайта-қайта тикиламиз. У бизга ҳамон меҳр билан қараб турганини эш этамиз, худдики, ҳол-аҳвол сўраётгандек, ҳаётингиздан розимиз, деб сўраётгандек бўлади. Бизнинг дилимиздан эса «Ҳаётимиздан розимиз, Сиздан мингдан-минг розимиз», деган сўзлар ўтади.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Синовли кўнларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданияти ҳамда ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоёйиш этди.

ЎзХДП ҳаётидан

«Акам ҳарбий хизматдан қайтганида аскарлик либосини қўлимга тутганча, «Сен ҳам аскар бўлганингда киясан!», деганди. Шушу Ватан ҳимоясига отланадиган кунни орзиқиб кутадиган бўлдим. Бугун йигитлик бурчимни бажаришга отланганимга олти ой бўлди. Шу вақт мобайнида Ватан, оила сўзларининг маъноларини янада тараққий қилди».

Бу оддий аскар Дониёр Қодировнинг сўзлари эди.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА
ХИЗМАТ
ҚИЛАМАН!

ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман кенгашлари фаоллари билан тумандаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлганимизда тинчлик посбонлари билан суҳбатлашдик. Улар ҳарбий қисмда яратилган шароитлар ҳақида тўққизлаб гапиришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров барчани мустақиллигимизнинг 26 йиллиги билан табриклади. Шунингдек, мустақилликка эришиш йўлида кечган курашлар ҳақида ҳикоя қилди.

«Фидойинг бўлганимиз сени, Ўзбекистон!» деган бош ғоя асосида олиб бориладиган маданий-маърифий ва тарғибот ишларининг аҳамияти катта, — дейди у. — Бу каби тадбирлар ҳар бир инсон қалбига Ватанга дахлдорлик ҳиссини янада юксалтириши билан аҳамиятлидир. Барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида мустақиллик берган имкониятларни англашимиз, уни қадрига етиб, асраб-авайлашимиз лозим.

Шу кунги ҳарбий қисмда «Китоблар олами» маънавий-маърифий савдо мажмуаси томонидан ярмарка ташкил этилди. Биз у ерда ҳарбий қисм командири Умиджон Ҳасановни учратдик.


— Қишлоғимиз яқинида жойлашган ҳарбий қисмдан сержант ва аскарлар тез-тез келиб туришарди. Уларнинг қаҳриққача ёшларни тайёрлаш фанидан кўргазмали дарс ўтишгани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳарбийларнинг ҳар бир ҳаракати мукаммал даражада эди. Ушанда касбимга меҳр уйғонди, — дейди у. — Тўрт ёшли ўғлим бор. Унинг ҳозирда-ноқ касбимга қизиқишини ҳис қиламан. Бундан хурсанд бўламан.

— Оиладаги беш нафар фарзанднинг тўнғичи, — дейди оддий аскар Раҳимберди Содиржонов. — Ука-сингилларим олдида ҳаммиса масъулиятни ҳис этаман. Укам хатларида аскар бўлиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ёзишимни сўрайди. Мен унга жисмоний тайёргарликлар билан бирга кўпроқ китоб ўқишни тавсия қиламан.

Тадбирда эсдалик совғалари топширилди. Санъаткор ва сўз усталининг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Таассуротларимиз бир олам. Ҳар бир аскарнинг кўзларида ўт қақнайди. Ундан «Биз сенинг қалқонларингиз, Ватан!», деган маънони уқса бўлади. Уларнинг ҳар нафасида, сўзида ягона жумла акс этади — Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

Махлиё АЛИҚУЛОВА

ЭРТАГА САМАРҚАНДДА «ШАРҚ
ТАРОНАЛАРИ» XI ХАЛҚАРО МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАЙДИ

Самарқанд байрам оғушида. Кўчалар, хийбонлар кундузи ранг-баранг гуллар, товус, гул, арка, устун шаклидаги нафис ва бежирим конструкциялари билан кўзни қувонтирса, кечкурунлари анвойи ранггади ёғдулар шалоласи, мусиқали ёрқин фавворалари билан шаҳар аҳли ва меҳмонларни мафтун қилади.

— Бу галги фестивалда 55 мамлакатдан 270 нафардан ортиқ санъаткор катнашади, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Азамат Умаров. — Шунингдек, 130 дан зиёд дипломатик корпус вакиллари, уларнинг оила аъзолари ва бошқа давлатлардаги элчилар фестивалга ташир буюради.

Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзалида меҳмонларни кенг жамоатчилик кутиб олмоқда. «Шарқ тароналари» ёзуви билан безатилган 200 автобус, микроавтобус, енгил автомобиллар меҳмонларга хизмат кўрсатади.

Фестиваль доирасида ЮНЕСКО шафелигида «Марказий Осиё уйғониш даврининг дунё цивилизациясидаги ўрни ва роли» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади. Ушбу йирик анжуманда 150 дан ортиқ олим ва мутахассис иштирок этади. 29-30 август кунлари ЮНЕСКОнинг бир қатор семинарлари бўлиб ўтади.

— Асосий мақсадимиз анжумани юксак савияда ўтказиш, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Фуркат Раҳимов. — Шаҳар

кўчаларининг тунда ҳам ёруғ бўлишини таъминлаш мақсадида Бўстонсарой кўчасининг Хусайн Бойқаро кўчаси кесишмасида Университет хийбони, Мирзо Улугбек, Беруний, Ибн Сино, Даҳбед кўчаларида жойлашган биноларга қўшимча иллюминация воситалари ҳамда ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Шаҳарнинг марказий майдонларидаги хорижлик санъат усталари ижросида концерт бериладиган жойларда аҳоли дам олиши учун қулайлик яратиш мақсадида маҳсул саҳна ва электрон таблолар ташкил этилди. Ибн Сино ва Афросиёб кўчалари кесишган жойда сопол буюмлар композицияси ва билборд ўрнатилди.

Меҳмонлар Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишадилар, Регистон майдонидagi Шердор, Тиллақори ва Мирзо Улугбек мадрасасини томоша қиладилар.

Фестиваль «давонида» меҳмонларга ташкилот, фирма ва муассасаларнинг хорижий тиллари билан қилинган қўлқўлликлар ҳамоҳудлик қилади. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 200 ўқитувчи ва

магистранти таржимонлик хизмати кўрсатади.

— Кўп йиллардан буён машҳур санъат даргаларимиз ҳаёти ва ижодига оид кўпчиликка маълум бўлмаган манбаларни йиғиб келаман, — дейди Самарқанд шаҳридаги 67-умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчиси Олимжон Гафуров. — Масалан, 1935 йили Буюк Британияда ўтказилган жаҳон халқлари мусиқа фестивалида Ўзбекистондан иштирок этган уста Олим Комиловнинг доира чалишдаги маҳоратидан завқланган томошабинлар ўрнидан туриб, уни олқишлаган. Унинг панжалари нусхаси ҳозиргача «Ўзбек доирачиси панжаси» номи билан Лондон музейида сақланади...

Париж саҳнасини ўз қўшиқлари билан ром этган Муножот Йўлчиевага асли покистонлик бўлган киши: «Мен фалаж эдим. Қўшиқларингиздаги сехри оҳанг мени қайта оёққа турғазди», дея севинч ёшлари билан миннатдорлик билдирганини эшитганимиз?..

«Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивали шукуҳи бугун Самарқандга янада фойз ва чирой бахш этган. Кенг ва озода кўчаларнинг икки томонида ранг-баранг байроқлар хиллирайди. Сўлим бог ва хийбонлар таровати, меҳмондўст самарқандликлар чехрасидаги табассум кишига хуш кайфият бағишлайди.

Анжуман арасида «Шарқ тароналари» фестивали ўтадиган Регистон майдони ёнидаги Шоирлар боғи қайта таъмирланиб, халқ бахшилари Ислон шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ва Пулкан шоир Жомурод ўғли хайкаллари янгидан чирой очди.

Фестиваль кунлари меҳмонхоналар, Улугбек мадрасаси, музейларда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига оид фотосуратлар, миллий мусиқа асбоблари, тарихий либослар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади. Регистон майдонида 3D ёғдули мусиқий шоу намойиш қилинади.

Фестиваль қатнашчилари вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги истироҳат боғларида, мусиқа ва санъат мактабларида ўз дастурларини намойиш этиши, ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари ўтиши учун зарур шароит яратилган.

— 2015 йили «Шарқ тароналари» X халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимини Регистон майдонида туриб кузатдим, — дейди Германиялик журналист, «Berliner blatt» газетаси бош муҳаррири Волкер Нееф. — Ўзимни кундалик ҳаётдан ўзгача бир оламга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, нуфузли анжуманларда иштирок этганман, лекин Самарқанддаги каби гўзаллик ва нафосатни, «Шарқ тароналари»даги жозибани бошқа жойда учратмаганман...

Дарҳақиқат, ушбу фестиваль жаҳон тамаддуни бешиқларидан бўлган Самарқандда ўтказилиши юртимизнинг жаҳонро обрў-эътиборини янада оширади. Унда иштирок этиш истагидаги дунёга машҳур санъат намоналари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Хулоса ўрнида айтганда, «Шарқ тароналари» фестивали миллий мусиқа санъатини ривожлантириб, гина қолмай, мамлакатлараро мулоқот, жаҳон халқларининг ўзига хос маънавий меросини намойиш этадиган байрамга айланди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқандлик
ҳунармандлар

«Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалида совғабоп буюмлари билан иштирок этади.

Самарқандда «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалини кўтаринки руҳда, байрамона ўтказиш учун қизғин ҳозирлик қўрилди. Самарқанд халқаро аэропортидан тортиб фестиваль ўтказиладиган Регистон ансамбли, шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларида анжуман иштирокчилари ва меҳмонлар учун барча шароит яратилган.

Республика «Хунарманд» уюшмаси вилоят худудий бошқармаси томонидан анжуман кунлари санъаткорлар ва хорижлик сайёҳлар учун Самарқанд шаҳридаги «Регистон плаза», «Регал палас», «Регистон», «Нодир Самарқанд» меҳмонхоналари, «Хунармандлар маркази» ҳамда Шердор мадрасаси ёнида ва Мирзо Улугбек мадрасасида 27 турдаги халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилади.

Кўргазмаларда «Шарқ тароналари» ёзуви битилган идишлар, зардўзлик буюмлари, кашталар, тери ва чарма қилинган маҳсулотлар маҳсулотлар намойиш қилинади.

Фестиваль доирасида ҳунармандларнинг вилоят давлат музей-қўриқхонаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси Самарқанд бўлими ҳамкорлигида халқаро кўргазма ташкил этилиши

ҳам эътиборга молик. Унда 1997 йилдан буён ўтган «Шарқ тароналари» фестивалларида намойиш этилган нодир чолғу асбоблари, иштирокчиларнинг миллий либослари, шунингдек, самарқандлик мусаввирлар томонидан ишланган тасвирий ва амалий санъат асарлари ўрин олади.

Бундан ташқари, кўргазмада мис ва сопол буюмлар, чинни идишлар, Самарқанднинг гўзал мезморий обидалари акс эттирилган гилам ва матолар ҳам намойиш қилинади. Миллий қаҳрамонлар образлари акс этган хайкалчалар, ўймакор нақшлар солинган мўъжаз сандиқчалар, миллий мусиқа асбоблари хорижлик меҳмонлар учун қўнға ва навқирон Самарқанддан ўзига хос совға бўлади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — «Шарқ тароналари»
халқаро мусиқа фестивали
иштирокчиларига

Мияучи Мотоя,
мусиқашунос олим, Япония:

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Самарқанд ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Буюк Ипақ йўлининг шу ердан ўтганини билганимда Ўзбекистонга қалбани яқинлиқни ҳис қилганман. Албатта бораман, деб ният қилганман. «Шарқ тароналари» фестивалига катнашиш ҳақидаги таклифномани олганимда орзуларим ушалаётганидан қувондим. Мамлакатингиз ҳавоси менга жуда ҳам ёқди. Шунга ишонаманки, Ўзбекистон сафари бир умр ёдимда қоладиган таассуротларга бой бўлади. Ўзбеклар худди японлар каби истарали, қувноқ, ҳушмуомала экан. «Шарқ тароналари» фестивалида япон миллий чолғуси бўлган шамусен билан иштирок этаман. Фурсатдан фойдаланиб, фестиваль иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Убалдо Тартаглионе,
«Нонташа» гуруҳи созандаси,
Италия:

— Гуруҳимиз аъзоси Фердинанд олдин ҳам Самарқандга келган. Қадимий обидалари ҳақида бизга тўлиб-тошиб гапириб берган. Ушанда менинг кўнглимдан ҳам албатта Самарқандга бораман, деган ният ўтган. Бугун Тошкент шаҳрини томоша қилдик. Менга жуда маъқул келди. Миллий таомларингиздан татиб кўрдим. Мазаси оғзимда қолди. Гуруҳимиздаги Анна Лиша фестивалда италиян миллий қўшиқларини айтади. Мен Фердинанд билан бирга созандалик қиламиз.

Могуэн Лонорман,
«Дебонд» гуруҳи хонандаси,
Франция:

— Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман. Бир умр Самарқандни кўришни орзу қилганман. Шунинг учун «Шарқ тароналари» фестивалига таклиф қилишгандан жуда мамнунман. Тошкент фойзли шаҳар экан. Кенг равион кўчалар замонавий архитектура асосида барпо қилинган биноларни томоша қилдим. Биз жойлашган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси хизматлари аъло даражада. Ҳали олдинда фестиваль ҳажжонлари турибди. Кўплаб халқларнинг қўй-қўшиқларини яқиндан билишимизга, турли миллат вакилларидан дўстлар орттиришимизга ишонаман.

Ханнес Пикат,
продюсер, Эстония:

— Турмуш ўртоғим билан хизмат тақозоси туфайли тўрт йил Тошкентда яшаганмиз. Ўзбек халқи меҳмонни азиз билиб, борини дастурхонга қўяди. Бу даражадаги меҳмондўстликни бошқа халқларда учратмаганман. «Шарқ тароналари» фестивалига иккинчи бор катнашимиз. Ўтган сафарги иштирокимда бир қизиқ воқеага дуч келганман. Ушанда тун ярмида ёқимли мусиқа янгради. Ташқарига чиқдим. Ишонасизми, турли миллат созандалари бир бирларининг тилини тушунмаса-да, биргалашиб мусиқа чалаётган экан. Бундан қаттиқ ҳаяжонга тушдим.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдусалим МАХМУДОВ
ёзиб олди.

Диққат, янги рух:

Масъуллар нима дейди?..

Ярим йил
ичида қанча
иш қилса
бўлади?..

Ўзбекистон ХДП Дўстлик туман кенгаши ўз атрофида 1400 нафарга яқин партия аъзоларини бирлаштирган. Халқ депутатлари туман Кенгашида партиямиздан сайланган 5 нафар депутат фаолият юритади. Партия гуруҳига депутат Муҳаммад Эргашев раҳбарлик қилипти.

Савол туғилади: партия гуруҳининг худудни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларда таъсири сезиларлими? Ижтимоий-иқтисодий дастурлар тайёрлаш, қабул қилиш, ижросини таъминлаш, партия электротари вакилларини ўйлантриб келадиган муаммоларни ўрганиш, сессия муҳокамасига олиб чиқиш борасида қандай тақдирлар, ташаббуслар билан чиқилапти?

— Афсуски, ушбу тумандаги гуруҳимиз ўтган ярим йилда биронта ҳам масалани сессия муҳокамасига киритмади, — дейди Жиззах вилоят партия кенгаши депутатлик бирлашмалари ишнинг мувофиқлаштириш ва жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлими мудири Дилшод Норматов. — Очиги, бундай хотиржамлик, лоқайдлик кайфиятини қандай изоҳлашга ҳам ҳайронсан, киши.

Яна савол туғилади: туманда партия электротари ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ муаммолар йўқми? Ёки Сайловолди дастурида белгиланган вазибаларнинг барчаси аниқ ва самарали бажариляптими?

— Муаммолар масалаларга вақтида эътибор қаратиб, уларни тегишли қорхона, ташкилот, муассасалар олдида қўйишга ҳаракат қилинмади, — дейди Дўстлик туман партия кенгаши раиси Бахтиёр Саттаров. — Тўғри, ҳамма ишларимизни қўнқарли бўлаяпти, деб айтолмаймиз. Айрим депутатларимизнинг ўз сайловчилари билан кам учрашадигани, Сайловолди дастури ижроси бўйича электротари олдида ҳисоб беришнинг аҳамиятини англаб етмаётгани ҳам бор гап.

Тумандаги сайловчилар ўзлари ишонч билдириб, сайлаган депутатларини яхши танишадими? Бу ҳақда қатор сайловчилардан сўраганимизда, таассуфлар бўлсинки, қўнқарли жавоб ололмадик.

Сайловдан кейинги ўтган давр ичида вилоятдаги партия маҳаллий кенгашлари, депутатлари электротари вакилларига берган ваъдалари, Сайловолди дастури ижроси бўйича одамларга фойдаси тегадиган таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқди, деб айтишга қийналамиз. Бунинг ўрнига турли-туман, керак-но керак тадбирлар ўтказишдан нарига ўтолмаяпмиз. Ишчимизнинг самаралари ҳам шунга яраша бўляпти. Акс ҳолда халқ депутатлари Пахтакор, Янгиобод, Зарбдор, Шароф Рашидов туман Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан ярим йил ичида лоқал биронта долзарб масаланинг сессия муҳокамасига киритилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бугун замоннинг ўзи депутатлардан аҳолининг ўй-таъвишлари билан яшашни талаб этмоқда. Одамлар биздан амалий ишлар кутаяпти. Маҳаллий кенгашларимиз, депутатлик гуруҳлари, ҳар қайси депутатимиз шунга муносиб иш тутсагина сайловчиларнинг ишончини эътиборини қозонади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:

Bosh muharir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxonalar — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilâ
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

г — 838
9236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:30
Topshirilgan vaqti — 01:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 6